



«PLUG AND PLAY»  
АНОНСИРОВАЛ  
ОТКРЫТИЕ  
ОФИСА В  
УЗБЕКИСТАНЕ  
5-стр.



TELEGRAM  
СУДГА  
ТОРТИЛАДИ

6-бет.



АЛОҚА  
КАБЕЛЛАРИГА  
ШИКАСТ ЕТКАЗГАН  
ШАХСГА МАЪМУРИЙ  
ЖАЗО КЎРИЛДИ

7-бет.



ict.xabar.uz

Gazeta 1992-yil martdan chiqa boshlagan

# Хабар

ERUR SEN SHOHI, AGAR OGOHSEN SEN,  
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

32 (1558)-son  
12-avgust  
2022

@xabaruzofficial  
facebook.com/xabar.uz/  
@xabaruzofficial

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

www.xabar.uz

## ЎЗБЕКISTONДА MOBILE IDдан FOYDALANIШ BOШLANDI

“ЭЛЕКТРОН ХУКУМАТ” ТИЗИМЛАРИГА КИРИШДА ШАХСНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯ-ЛАШ ВА ТАСДИҚЛАШНИНГ ЯНГИ МОДУЛИ – MOBILE-ID (МОБИЛ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ) СИНОВ ТАРТИБИДА ИШГА ТУШДИ.

Энди ушбу модул ёрдамида фуқаролар доимо ёнида олиб юривчи мобил телефон рақами орқали рўйхатдан ўтиб, барча давлат хизматларидан (молиявийдан ташқари) электрон рақамли имзосиз фойдаланишлари мумкин.

Фақат бунинг учун смартфонимизга my.gov.uz мобил иловаси юклаб олинган бўлиши керак.

MyGov иловаси (Google Play va App Store) орқали рўйхатдан ўтиш мутлақо бепул.



## РАҚАМЛАШТИРИШ

барча соҳаларда устувор  
вазифага айланиши керак



АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОJЛАНТИРИШ ВАЗИРИ ШЕРЗОД ШЕРМАТОВ МАМЛАКАТИМИЗДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШДА БЕВОСИТА ИШТИРОК ЭТАЎТГАН ВАЗИРЛИК, ИДОРЛАР ВА ХЎЖАЛИК БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ШУ МАСАЛАДА МАСЪУЛ БЎЛГАН РАЎБАРЛАРИ БИЛАН ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИГИЛИШИ ЎТКАЗДИ.

ICT ҳикоя

## ЎЗБЕКISTONЛИК ЙИГИТ “Google”ни қандай забт этди?




IT-ПАРК ХОРИЖДА ИШЛАЎТГАН ЎЗБЕКISTONЛИК IT-МУТАХАССИСЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТ ТАРИХИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛИБ БОРУВЧИ “ICT ҲИКОЯ” НОМЛИ РУКНИ ИШГА ТУШИРДИ. УНИНГ ИЛК МЕҲМОНИ ФАРУҲ ҲАБИБУЛЛАЕВ БЎЛДИ.

Фаррух 29 ёшда. 2012-2016 йилларда Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университетининг Бизнес-ахборот тизимлари факултетида таҳсил олган. 2017 йилдан 2019 йилгача АҚШнинг Аёва штати Маҳариши менежмент университетига математика ва информатика йўналиши бўйича магистр даражасини олган. Ҳозирда Google компаниясининг Android Automotive OS жамоасида дастурий таъминот муҳандиси бўлиб ишлайди. У ўз жамоаси билан биргаликда автомобилларни

ҳайдовчилар ва йўловчилар учун хавфсизроқ ва қизиқарлироқ қилиш учун амалий тизимларни ишлаб чиқади.

Фаррухнинг эслашича, у меҳнат фаолиятини “Tune Consulting” компаниясида катта дастурий таъминот муҳандиси сифатида бошлаган. “Мен ўз мамлакатимда IT соҳасига илк қадамимни Tune Consulting компаниясида қўйдим. Бу ерда 2014 йилдан 2016 йилгача ишладим. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ учун чипталарни онлайн сотиш учун дастурий таъминот ва Андроид иловаси яратилди. Ўқишни тамомлаганимдан сўнг халқаро компанияда ўз кучимни



синаб кўрмоқчи бўлдим. Кейин мен АҚШнинг бир нечта компанияларига резюме юборишга қарор қилдим ва 15дан ортиқ компаниялар мени суҳбатга таклиф қилганидан жуда хурсанд бўлдим. Қолаверса, улардан ўнтаси менга иш таклиф қилишди”, эслади у.



## МАМЛАКАТИМИЗДА ЭНГ ОММАЛАШГАН МЕССЕНЖЕРЛАР

Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 70 фоизи интернет фойдаланувчиси ҳисобланади. Аҳолининг 18,3 фоизи ижтимоий тармоқлардан фойдаланади.

1. Telegram – фойдаланувчиларнинг 80 фоизи
2. WhatsApp фойдаланувчиларнинг 22 фоизи
3. Facebook фойдаланувчиларнинг 6 фоизи.





Жумадан  
жумагача

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 4 август куни давлат хизматини ислоҳ қилиш ва бошқарувда натижадорликни ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Тошкентда 5 август куни “Марказий Осиё давлатларида миллатлараро тотувликни таъминлаш” мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 август куни Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни кенгайтириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Унда иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга оид янги дойиҳа ва таклифлар кўриб чиқилди. Мамлакатимизда кичик бизнесни янада ривожлантириш мақсадида худудларнинг инвестицион жозибадорлиги миллий рейтингини ишлаб чиқиш тизими ҳам муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев 9 август куни халқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш ва диверсификация қилиш бўйича тақдимот билан танишди. Мамлакатимиз маҳсулотлари хорижга, асосан, 9та транспорт йўлаги орқали ташилади. Тақдимотда ҳар бир транспорт йўлаги бўйича долзарб масалалар ва уларни ҳал этиш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 август куни Тошкент архитектура-қурилиш институтининг янги биносини бориб кўрди. Ўтган даврда институт учун иккита 5 қаватли ўқув корпуси, 8 қаватли маъмурий бино барпо этилди. Қурилиш материаллари бўйича илмий-тадқиқот маркази, лабораториялар, спорт мажмуаси, ётоқхона шу ерга жойлаштирилди. Ташриф чоғида давлатимиз раҳбари ушбу бунёдкорлик ишлари, таълим масканининг фаолияти билан танишди. Давлатимиз раҳбари шу ерда талабалар, докторантлар ва профессор-ўқитувчилар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари 10 август куни Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида ташкил этилган ипотека марказини бориб кўрди. Марказда қурилиш ва девелопер компаниялар ўз офисларини ташкил этган. Харидорлар учун барча шароитлар яратилган.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган “Бутунжаҳон 44-шаҳмат олимпиадаси ғолиблари ва иштирокчиларини муқофотлаш тўғрисида”ги фармон эълон қилинди.

## Ўзбекистон – Озарбайжон: ИККИ ДАВЛАТ ҲАМКОРЛИГИ СОҲА УЧУН САМАРАЛИ БЎЛАДИ

ОЗАРБАЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИДАН ИБОРАТ ДЕЛЕГАЦИЯ АЪЗОЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФ БУКОРДИ. ОЗАРБАЙЖОННИНГ AZLN TELECOM РАҚАМЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИ ДАСТЛАБ “UNICON.UZ” DUK, СЎНГРА “UNICON. SOFT” МЖЧ ЖАМОАСИ БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШДИ.



Ташриф чоғида меҳмонларга ijro.gov.uz тизимининг олдига қўйган мақсадли вазифалари ҳақида тўлиқ маълумотлар берилди.

Учрашувда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Unicon

Soft жамоаси мутахассислари томонидан меҳмонларга бугунги кундаги энг актуал бўлган тизимларнинг соҳада эришган ютуқлари ҳақида айтиб ўтилди.

Шунингдек, ijro.gov.uz тизимининг ютуқлари ҳамда олдига қўйган мақсад ва вазифалари ҳақи-

да маълумотлар тақдим этишди. Учрашувда меҳмонлар ўзлари томонидан ишлаб чиқилган тизимлар тўғрисида ҳам маълумот беришди. Тадбир сўнгида томонлар икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик соҳа учун самарали бўлишига ишонч билдирди.

## РАҚАМЛАШТИРИШ барча соҳаларда устувор вазифага айланиши керак

Йиғилишдан асосий мақсад – Президент томонидан белгиланган топшириқ, яъни барча соҳаларда рақамлаштиришни биринчи навбатдаги вазифалар қаторига олиб чиқишдир.

Видеоселекторда белгиланган топшириқларни босқичма-босқич амалга ошира бориб Ўзбекистоннинг минтақавий IT-марказга айлантириш, my.gov.uz, ijro.gov.uz, pm.gov.uz, project.gov.uz, regulation.gov.uz орқали аҳоли ва давлат органлари оғирини энгил қилиш, харажатларини қисқартириш, коррупцияни йўқотиш ҳамда ёшларни юқори даромадли иш билан таъминлаш каби йирик мақсадлар кўзлангани айтиб ўтилди.

Таҳлилларга асосланиб ўтказилган ушбу йиғилишда, охириги беш йилда қатор вазирлик ва идоралар билан бирга, жорий этилган ахборот тизимларининг имкониятларидан самарали фойдаланмаётган ёки уларни доимий ишлаб туриши учун масъул бўлган ташкилотларга аниқ чоралар кўриш бўйича вазифалар белгиланди. Шу билан бирга, “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси доирасида вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари томонидан белгиланган вазифаларни бажаришда камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганлиги айтиб ўтилди. Бу масалада йўл қўйилган камчиликларни вақтида бажариш учун аниқ вазифалар белгиланб берилди.

Бугунги кунда энг муҳим вазифалардан бири аҳоли ва тадбиркорларга электрон давлат хизматларини кўрсатишдир. Шу мақсадда жорий йилда аҳоли ва тадбиркорларга зодан ортиқ оммабоп электрон хизматлар жорий этилиб, уларнинг сони 340тага етказилди. Натияжада, фойдаланувчилар сони йил бошидан 900 мингтага кўпайиб, 2 миллионга етди. Жорий йилда 6 миллион 200 минг электрон хизмат кўрсатилиб, аҳолининг 21,6 миллиард сўми иқтисод қилинди.

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ушбу хизматлар доимий равишда (7/24 тартибид) тақдим этилиши учун Ягона интерактив давлат хизматлари порталига уланган зодан ортиқ мутасадди идора-



pm.gov.uz

President  
Virtual Qabulxonasi

ларнинг 150га яқин веб-сервислари ишлаб туриши лозим. Бироқ бугунги кунда техник узилишлар туфайли бир қатор давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти чекланиб қолаётгани, бу эса аҳоли ва тадбиркорларнинг норозилигига сабаб бўлаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, йиғилишда Ягона портал орқали кўрсатилаётган давлат хизматларининг муддатлари бузилаётгани фойдаланувчиларнинг норозилигига ҳамда электрон хизматларга бўлган ишончининг сустлашишига сабаб бўлаётгани кўрсатиб ўтилди.

Бундан ташқари, йиғилишда Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (my.gov.uz)ги мурожаатлар ва аризаларни кўриб чиқиш ҳамда ijro.gov.uz ижро интизомининг идоралараро ягона электрон тизимига уланганлик ҳолати, Президент Виртуал қабулхонасидаги (pm.gov.uz) мурожаатларни ва Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимида (project.gov.uz) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ўз вақтида кўриб чиқиш ҳолати ҳам ўрганилиб, муҳокама қилинди.

Юқорида айтиб ўтилган ахборот тизимларининг доимий равишда ишлаб туриши, давлат ва хўжалик органлари томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларидан келиб тушаётган таклиф ва мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш, тегишли муносабат билдирилиши амалга оширилаётган ислохотлар орқали қўзлаган мақсадларга тезроқ етишиш учун хизмат қилади.

# ОЛТИН ЗАХИРА

**профессионализм ва масъуллик ҳисси кучли бўлган ходим қисқа фурсатлардаёқ кўзга ташланади**

ЕТУК КАДР КИМ ЎЗИ? У ЖАМИЯТДА ҚАНДАЙ ЎРИН ТОПАДИ, ҚАНДАЙ КЎЗГА ТАШЛанаДИ? БУ КАБИ САВОЛЛАРГА ТАЖРИБАЛИ РАХБАРЛАРДАН АНИҚ-ТИНИҚ ЖАВОБЛАР ОЛАСИЗ. ТОПШИРИЛГАН ИШНИ ЎЗ ВАҚТИДА ВА ТАЛАБДАГИДЕК АДО ЭТГАН МУТАХАССИС ЯХШИМИ, ДЕГАН САВОЛИМГА “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ ДИРЕКТОРИ ВЛАДИМИР ЕЖКОВ ШУНДАЙ ЖАВОБ БЕРДИ:



– Мен сал бошқача айтган бўлардим. Яхши мутахассис нафақат ишни ўз вақтида аъло бажаради, балки ўз фикрини, ўз таклифларини ҳам қўрқмай, баралла айтади, вақт ва моддийлик сарфини ҳам ҳисобга олади. Профессионализм ва масъуллик ҳисси кучли бўлган ходим қисқа фурсатлардаёқ кўзга ташланади ва қараб-сизки, ундан иши пухта, сўзи бутун раҳбар етишиб чиқади. Бунинг учун уни бироз қўллаб-қувватлаш ҳам кифоя қилади. Сабаби айнан шундай ёш йигит ёки қиз жамоа бўлиб ишлаш сирларини тез эгаллайди ва ходимларни мотивациялашни ҳам уддалайди. Бизнинг боғламаларимиз ва савдо офисларимизни бошқараётган ҳамма ёшларимизда ана шу хислатлар мужассам, десам ишонаверинг.

Чорак асрдан буён шу филиал фаолиятини ёритиб келаётган журналист сифатида шуни айтишим керакки, филиалда ўзaro хурматга асосланган илиқ ва соғлом муҳит қарор топган. Ҳар бир ходимнинг меҳнати, умум ишга қўшаётган ҳиссаси ойдек равшан. Бу муҳитга ярим аср аввалги улуг устозлар тамал тошини қўйганлар десам, менимча хато бўлмайди. Уларнинг ишини устоз Абдувоҳид Жўрабоев янгича, мустақиллик руҳида зўр маҳорат билан давом эттирган ва кейинчалик бу масъулият Нўъмонжон Акбаров, Давлатали Тошматовлар чекига тушган – улар ҳам ҳавас қилса арзигули соғлом муҳитни авайлабгина, сайқаллабгина ёшларга топширганлар. Мен филиалга янги ишга келган ёшларни жуда кўп бора кузатганман. Қизикда. Тортинчоқ, камсуқум, камгап навқирон ёшлардаги “ялт” этиб кўринган фазилат, менинг назаримда, ўзбекона мўминлик бўлиб келмоқда. Жамоага киришиб кетганларида ҳам аксарият “янги”лардаги ана шу фазилат сақланиб қолаверади. Бунга қандай эришасизлар, деб сўраганимда кадрлар бўлими ходими Раънохон Ибрагимова, опа, уларни нечта чиғирикдан ўтказиб, синаб-синаб сўнг ишга оламизда, деган эди. Бу ҳам осон иш эмас.

“Фарғона телекомнинг умидли ёшлари”, “Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди” рўкнли мақолаларим қаҳрамонлари бугун хурматли устозлар бўлиб танилган. Акмалжон Миллажонов, Расулжон Усмонов, Шухратжон Мўминов, Рустамжон Адахонов, Рустамжон Шамшитдинов, Ҳамиджон Барзиёва, Холисжон Қодирова кабилар ана шулар жумласидандир. Уларни шодлантириб шогирдлари ўзларидан ҳам ўзиб кетганлар. Ушбу муқаддас даргоҳ таълимидан баҳраманд униб-ўсган Жаҳонгир Турсунов, Улугбек Отажонов, Гулнозахон Жўраева, Оқилжон Қурбоннов каби баркамол мутахассислар вазирилик тизимидаги

нуфузли идораларда муваффақият билан хизмат қилишмоқда.

Айтишларича, муҳтарам устозимиз Абдувоҳид Жўрабоев бир тадбирда “Фарғонада алоқачи кадрларнинг олтин захираси камолга етмоқда” дея кўпгина ёшларни мисол келтирган. Мен қай бир ёшни тилга олганини суриштириб ўтирмадим. Зотан, эл эътирофини қозонган талайгина телекомчи ёшлар ҳаёти ва фаолиятидан бохабарман. Комиллик сари интилаётганлар сафида Тошлоқ ТБ бошлиғи Расулжон Бакиров, савдо ва хизмат кўрсатиш офиси менежерлари Ҳумоюн Турғунов (Фурқат), Ҳамиджон Эгамназаров (Учкўприк), техник қўллаб-қувватлаш ва янги техникани тестдан ўтказиш бўлими бошлиғи Юнус Турамаатов, корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиш гуруҳи бошлиғи Салимжон Ҳожиқулов, шу офис 1-тоифали оператори Нодирахон Халиқова, Фарғона шаҳар 242-АТС офиси менежери Азизбек Муҳторов, “Биллинг маркази” бўлим муҳандиси Авазбек Миллажонов, кенг

“

“ФАРҒОНА ТЕЛЕКОМНИНГ УМИДЛИ ЁШЛАРИ”, “ОҲ, СЕНИНГ ЁШЛИГИНГ МЕНДА БЎЛСАЙДИ” РЎКНЛИ МАҚОЛАЛАРИМ ҚАҲРАМОНЛАРИ БУГУН ХУРМАТЛИ УСТОЗЛАР БЎЛИБ ТАНИЛГАН.

полосали хизматларни жойларга чиқиб техник ёрдам кўрсатиш гуруҳи бошлиғи Алишер Ботиров, шахарлараро алоқа телефон станцияси участкаси бошлиғи Баҳромжон Қодировлар бор. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Ёшлар жадал ривожланаётган соҳага шахдам қадамлар билан янгича руҳ олиб кирмоқдалар.

Филиал эришаётган зафарлар ҳақида қисқача: Тизимли чора-тадбирлар туфайли интернетдан фаол фойдаланувчи истеъмолчилар кўпайиб бормоқда. Улар 2020 йил август ойида 37236 нафар бўлган бўлса, бу кўрсаткич жорий йил август ойида 74407 нафарга етди. 2020 йилда 1918 км., 2021 йилда 1987 км. оптик толали алоқа кабели тортилиб, барча ижтимоий объектлар – 963та мактаб, 884та МТМлар, 351та соғлиқни сақлаш, 1056та МФЙлар замонавий телекоммуникация хизматлари билан қамраб олинди. GPON технологияси асосидаги сифатли хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилди. Рақам-

лаштириш жараёнларини кенгайтириш-дек бунёдкорлик ишларида юқорида тилга олган устозлар ва ёш мутахассисларнинг хизматлари бекиёс бўлмоқда. Айни дамда Валижон Қурбоннов, Қурбонали Мирзақосимов, Гуломжон Турсунов, Ислонжон Нишоннов каби нуронийлар исм-шарифларини мамнуният билан тилга олгим келди. Энг гуллаган ёшлик йилларини соҳа ривожига бахшида этган бу беназир инсонлар ҳамон меҳнатсеварлик, ташаббускорлик юракда бўлса, юрак қаримаслигини ўз мисолларида исботламоқдалар. Бинобарин, бу ҳам ёшларга мотивация, инсон меҳнат билан тирик, азиз ва мўътабар, деган ўзига хос кучли мотивация!

Ватан учун яшаш – халқ учун яшаш, касбга муҳаббат – элга муҳаббат эканлигини, касбкор фалсафасини улардан бўлмай, кимлардан сўраймиз? Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг “Одамлар ҳаётдан рози бўлиб яшашни учун ишлашимиз керак”, деган даъватини уларчалик ким талқин қила олади? Кадрлар салоҳиятини оширишга йўналтирилган ҳужжатлар мазмунини-чи? Ҳеч ким! Филиал бошланғич касаба уюшмаси раиси Муроджон Азамов ҳам ҳисоботларида устозлар кадр-қимматини жойига қўйишга қайта-қайта тўхталади. Кексалик этагини тутган, ишламаётган бўлса-да юраги “Ўзбектелеком”, “Фарғона телеком” деб ураётган фахрийларимиздан сўзлайди. Шундай онларда бутун вужуди, қалб қўри билан ишини, жамоани соғинганлар бир-бир кўз ўнгимдан ўтади: Аҳмаджон Усмонов, Юнусали Элмуродов, Жумабой Шамшитдинов, Элвира Атаджанова, Муножотхон Алимова, Наталья Копачева, Манзурахон Ҳожийўлдошева, Комила Мамажанова, Муножотхон Алимова, Светлана Аношина... Улар 400га яқин. Тобора сийраклашиб бораётган саф. Улар ёшлар тарбиясида иштирок этган, соҳа тараққиётига муносиб улуш қўшган фахрийлар. Ўйлаб қоламиз, фикр қиламиз. Уларни етарли даражада ардоқлай оляпмизми, кўнгилларини обод қиляпмизми?

Яқинда филиал раҳбарияти ва касабакўм кенгаши аъзолари билан бўлган суҳбатда шу мавзу юзасидан таклифлар бўлди. Зеро, “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида ҳам шу каби қатор олижаноб амалларга урғу берилгани айни муддаодир.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,  
“Xabar”нинг  
Фарғона вилоятидаги мухбири

# ОРЗУЛАР ЖАМОАСИ

## IT СОҶАСИДА САМАРАГА ЭРИШИШДА МОТИВАЦИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

**МОТИВАЦИЯ.** БУ СЎЗ СЎНГИ ЙИЛЛАРДА ТУРЛИ СОҶАЛАРДА ТЕЗ-ТЕЗ ҚЎЛЛАНИЛА БОШЛАНДИ. ЁШЛАРГА МОТИВАЦИЯ БЕРАДИГАН КЎПЛАБ ТРЕНИНГЧИЛАРГА ҲАМ КЎНИКИБ ҚОЛДИК. ДЕМАК, БУ ДАВР ТАҚОЗОСИ. АНГЛАГАНИМИЗ ШУКИ, МОТИВАЦИЯ ИНСОННИНГ ОРЗУ-ЎЙЛАРИНИ, ФАНТАЗИЯЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШГА УНДОВЧИ ВА ШУ ОРҚАЛИ УНИ РАҒБАТГА ЕТКАЗУВЧИ МУҲИМ ВОСИТА ЭКАН. АЙНИҚСА, АСОСАН ИЖОДКОРЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН "АЙТИ" СОҶАСИДА МОТИВАЦИЯНИНГ ЎРНИ НЕЧОҒЛИҚ ЭКАНЛИГИНИ БУТҶУН ҲАММА БИЛАДИ.

**Ш**у ўринда савол туғилади: нима учун баъзи компанияларда жамоа вазифаларни ўзлари мустақил ҳал қилади, бошқаларида эса, ходимларни раҳбар ёки менежер йўналтириши керак? Хўш, барча мотивация масалалари юқори маош ва фитнес залига обунга бўлиш орқали ҳал қилинадими? Халқаро IT мутахассислар ва технология гуруҳларини ривожлантириш бўйича экспертлар хулосаларидан келиб чиққан ҳолда, бугун "айти" компанияларда самарадорликка эришиш учун мотивациянинг ўрни ҳақида сўз юритамиз.

Ахборот технологиялари соҳаси кўпга асосчилари профессионал деформацияга эга – улар ўз маҳсулотлари ҳақида орзу қиладилар, маҳсулотлари устиде кечаю кундуз ишлашга тайёр ва жамоадаги ҳамма бир хил нарсани хоҳлашига ишоннашади. Аммо ҳар доим ҳам шундай бўлмади: менежер мотивация масаласи билан шуғулланишга мажбур – IT-лойиҳанинг мукамаллиги шунга боғлиқ.

### Стартапларда ходимлар мотивацияси

Стартап бошланғич босқичида ҳеч нарса аниқ бўлмаслиги ва етарли маблағ ҳам топилмаслиги табиий. Бундай ҳолда раҳбар номоддий мотивацияга эътибор қаратиши лозим: қизиқарли вазифаларни қўйинг, юқори амбицияларни эълон қилинг ва қизиқтириш орқали ўзингизга жалб қилинг.

Бу босқичда ишга чанқоқлик, супер гоа, инқилобий режалар, шахсиятингиз ва лойиҳангизга қизиқиш сизнинг рақобатдош устунликларингизга айлансин. "У ишлайди, чунки бу ерда ажойиб лойиҳа бор" омили "У ерда кўпроқ пул тўлашади" омилидан кучлироқ бўлиши лозим.

Сиз ўзингизнинг инқилобий амбицияларингиз, ажойиб гоангиз ва фантастик жамоангиз ҳақида ходимларга етказадиган 3-5та "теша тегмаган тезислар" тўпламини шакллантиринг. Мақсад – қолганлар сизнинг ишингиз ҳақида гурур билан гапиришга эришиш. Пул билан эмас, балки янги тажриба билан "пора" беринг, фақат лойиҳа мафтункор бўлиши керак.

### Барқарор бизнесда ходимлар мотивацияси

Агар лойиҳа доимий равишда пул олиб келса, компания турли мотивация тизимларини синаб кўриш имкониятига эга бўлади: бонусларни тўлаш, лавозимни ошириш, имтиёзлар бериш ва ҳоказо.

Агар сиз қайси тизимни танлашни билмасангиз, ҳар бир ходим билан синов муддати учун мотивация бўйича келишиб олишингиз, сўнгра натижаларни муҳокама қилишингиз ва ўзгартиришлар киритишингиз мумкин. Муҳими, ходимларни асосиз умидлантирмаслик учун ушбу шартларни олдиндан келишиб олинг.

Шуни ёдда тутингки, одамлар имтиёзлар ва бонуслар ҳақида турли тасаввурга эга. Баъзиларга тиббий суғурта ёки спорт залига аъзолик муҳим аҳамиятга эга бўлса, бошқалари карта тўловларини афзал кўради. Сиз буларни тахмин қила олмайсиз ва бунга ҳоҳат ҳам йўқ. Энг яхши вариант – модулли мотивация тизими: бу ҳар бир ходим тақдирини "блоклар" дан ўзига мос келадиган мукофотларни тўплаши мумкин бўлган конструкторлик тури.

Ўзаро уйғун кичик жамоаларда мотивациянинг мустақил танлови яхши ишлайди: ходим ўз олдига мақсадлар қўяди ва муваффақиятга эришиши учун мукофот моделини тақдир қилади. Одатда бундай тақдирлар жуда оқилона – бунда одамлар ўз имкониятларини ва компания позициясини муносиб баҳолайдилар.



### Универсал мотивация

Моддий ва номоддий мотивация ҳақида ҳамма биллади. Аммо яна бир тури борки, жуда кам эшлашади: бу – бизнинг психикамизнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ интрапсихик мотивация.

Агар сиз психотиплар билан таниш бўлсангиз, унда интрапсихик мотивация фақат шахсият психологияси билан боғлиқлигини биласиз. Юқори мотивация билан одам ўзи учун энг осон нарсани қила олади. Хўш, бу қачон содир бўлади? Қачонки, у муваффақиятга эришиш учун шахсий фазилатлар ва малакаларга эга бўлганда.

Масалан, шундай одамлар борки, улар ҳақида: "нон берманг, гаплашишга ижозат беринг" ёки "у ўзига қаратишни, ишоннишни хоҳлайди" дейишади. Бундай одамни ушбу сифатлар фойда келтириши мумкин бўлган вазифага – тармоқ, савдо, call-марказга қўйиш мантқан тўғри бўлади. Бу юмушлар уни завқлантиради ва компания гайратли ходимга эга бўлади. Албатта, юз фоиз кафолат йўқ, аммо бундай ёндашув самараси ушбу вазифага маълумотларни таҳлил қилишни яхши кўрадиган одамни қўйгандан кўра анча юқори.

Агар биз идеал (ёки универсал) мотивация ҳақида гапирадиган бўлсак, у барча уч турни бирлаштириши керак:

\* Интрапсихик: "мен ҳамма нарсани қила оламан, қобилиятим/кучим сифатларим бор";

\* Номоддий: "муҳим/фойдали/қизиқарли деб билган нарсани қиламан";

\* Моддий: "мен бунинг учун етарлича пул/фойда/имтиёз оламан".

Раҳбарнинг вазифаси ўз ходимларининг психотиплари ва мойилликларини аниқлашни ўрганиш, вазифаларни белгилаш, ролларни тақсимлаш ва мотивация моделларини ишлаб чиқишда буларни ҳисобга олишдир.

### Жамоа мотивацияси

IT – бу жамоавий соҳа бўлиб, мотивация нафақат ходимлар даражасида, балки лойиҳа гуруҳлари даражасида ҳам мавжуд. Google тадқиқотларидан бирида ўз лойиҳа гуруҳларининг ютуқлари ва муваффақиятсизликлари сабабларини ўрганди. Аввалига компания мутахассисларнинг савия даражасини кўриб чиқди: агар жамоада "юлдуз" ходимлар бўлса, албатта, улар яхшироқ ишлаши керак, деб ишонилган. Дарҳақиқат, муваффақиятга эришиш учун муносабатлар муҳим эканлиги маълум бўлди: ҳамма ўзаро ҳамфикр бўлса, жамоада тортишувлар ва мунозараларга ўрин қолмайди ва жамоавий иш самарадорлиги юқори бўлади.

Шундай қилиб, Google жамоавий мотивацияга бошқаларга қараганда кўпроқ таъсир қилувчи бешта омилини аниқлади:

**1. Психологик хавфсизлик.** Ҳар бир инсон савол бериши, эътироз ва қулгига сабаб бўлишидан қўрқмасдан шубҳа қилиши мумкин. Акс ҳолда, жамоада жимлик ва лоқайдлик ҳукм суриб, янги гоаялар яратилмайди.

**2. Ишонччилик.** Ҳамкасблар зиммасига юклатилган вазифани самарали ва ўз вақтида бажаришга ишонниши керак. Акс ҳолда, ҳамма бир-бирини назорат қилишга уриниб, жамоада бошбошдоқлик ва низолар келиб чиқади.

**3. Масъулиятнинг аниқ чегараси.** Жамоа ичида роллар ва вазифаларнинг тақсимлашини ҳамма билиши лозим. Акс ҳолда, лойиҳада "қора" ва "оқ" доғлар пайдо бўлади: мунтазам равишда баҳслашадиган бир неча ходимлар дарров "қора" доғлар учун жавобгар бўлиб қолади, "оқ" доғлар учун эса бир вақтнинг ўзида барча жавобгар, яъни ҳеч ким конкрет масъулиятни буйнига олмайди.

**4. Аҳамиятлилик.** Ҳар бир ходим ўз ишини муҳим ва қимматли деб билиши даркор. Акс ҳолда, номоддий мотивация бўлмайди, уларсиз эса ажойиб натижалар ҳам йўқ.

**5. Таъсир қилиш.** Ҳар бир ходим умумий муваффақиятдаги ҳиссасини шарҳлар, савдо ўсиши, жўшқин фикрлар ва бошқалар шаклида кўради. Акс ҳолда, "стол устиде" маъносиз иш ҳисси пайдо бўлади.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ

#### Мотивация ҳақида:

Канадалик журналист ва ёзувчи Малколм Гладуэлл "Outliers: The Story of Success" ("Муваффақият тарихи") китобида ёзишича, бирон-бир соҳада муваффақиятга эришиш ва унга ҳақиқий устасига айланиш учун камда 10 000 (ун минг) соат давомиде ушбу соҳа билан мунтазам шуғулланиш ва машқ қилиш зарур экан. Муаллиф ушбу фикрни шведиялик психолог Андрес Эрикссоннинг тадқиқотларига таяниб келтиради ва намуна сифатида бир қанча машҳур инсонларнинг муваффақиятга эришишида 10 000 соатлик қанда катта ўрин тутганини таъкидлаб ўтади.

Улар орасида Microsoft асосчиси Билл Гейтс ҳам бўлиб, унинг айтишича, ўсмирлик чоғида ўзи яшайдиган шаҳарчадаги коллежда янги компютер лабораторияси эндигина очилгани, у ерда компютерда ишлаш ва дастурлаш имконияти яратилгани ва бу имкониятдан компютер илҳосмандлари 24 соат давомиде бемалол фойдалана олишгани ҳақида ҳикоя қилади. Гейтс ҳам ўқишдан ташқари барча бўш вақтини ана шу лабораторияда ўтказиб, турли дастурлар яратиш билан машғул бўлган. Ушбу вақтдан бошлаб токи шк Windows дастурини яратгунча, яъни 1968 йилдан 1975 йилгача (7 йил давомиде) Билл Гейтс 10 000 соатдан ошқ дастурлаш билан мунтазам равишда шуғулланган.

## ZOODPAY ПЛАНИРУЕТ СДЕЛАТЬ УЗБЕКИСТАН ОДНИМ ИЗ ДВУХ ПРИОРИТЕТНЫХ РЫНКОВ ДЛЯ ИНВЕСТИЦИЙ

ВЫРУЧКА ФИНТЕХ-ПЛАТФОРМЫ ZOOD В ПЕРВОМ ПОЛУГОДИИ ВЫРОСЛА НА 300% К ТОМУ ЖЕ ПЕРИОДУ 2021 ГОДА, ПЕРЕДАЁТ ИНФОРМАГЕНТСТВО ОАЭ ЗАУВА.

Прибыль Zood за полугодие поднялась в 11 раз. Уверенный рост стал доказательством уникальности умной экосистемы сервиса, отметил глава компании Майкл Хой.

В неё вошли онлайн-маркетплейс с 30 тыс. продавцов, гибкая система выдачи займов покупателям и опция финансирования оборотных средств. Также платформа предоставляет автоматизированную систему принятия решений и решения по электронной логистике.

ZoodPay сейчас работает в Узбекистане, Пакистане, Ираке, Иордании и других странах. В условиях роста населения (300 млн. человек) и числа малых и средних фирм (более 5 млн.) сформировался запрос на финтех-услуги, что означает большой потенциал для роста сервиса.

По словам Хоя, Узбекистан станет одним из двух приоритетных рынков для инвестиций ZoodPay. Компания располагает здесь лицензией микрокредитной организации, а также ведущими позициями в сфере маркетплейсов, логистики и онлайн-займов.

ZoodMall работает в Узбекистане с 2017 года. Через платформу более 1 млн. пользователей могут покупать товары в рассрочку без процентов по системе «купи сейчас, заплати потом» (BNPL), а бизнес — получать финансирование оборотных средств.



## В КИТАЕ ЗАПУСТИЛИ БЕСПИЛОТНОЕ ТАКСИ

Китайская интернет-компания Baidu получила первые разрешения на предоставление коммерческих услуг такси с помощью беспилотных автомобилей, сообщает Reuters. При этом Baidu может оказывать услуги без присутствия сотрудника компании на месте водителя.

Компания получила разрешение от властей двух городов — Чунцина и Ухана. В каждом из городов начнут работать по пять беспилотных автомобилей Baidu. Они будут совершать поездки в пределах специально оговоренных с регуляторами зон. В Ухане такие такси будут доступны с 9:00 до 17:00, а в Чунцине — с 9:30 до 16:30.

В апреле Baidu совместно со стартапом Pony.ai уже получала лицензию на предоставление услуг такси с помощью беспилотных автомобилей — от властей Пекина. Однако столичные власти потребовали от Baidu, чтобы в салоне машины находился сотрудник, способный вмешаться в управление автомобилем в случае необходимости. Сейчас компания ведет переговоры с властями Пекина, Шанхая и Шэньчжэня о получении лицензии для полностью беспилотного такси.

## ВЫПУСКНИКИ ИТ-ЦЕНТРОВ АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ МОГУТ ПОЛУЧИТЬ ГРАНТ НА ПОСТУПЛЕНИЕ В SHARDA UNIVERSITY

4 АВГУСТА ПРОЕКТ-МЕНЕДЖЕР ДИЛЬШОДБЕК ШУХРАТОВ, СТАРТАП-МЕНЕДЖЕР САРДОРБЕК ТУРДАЛИЕВ И СПЕЦИАЛИСТ ПО ОБРАЗОВАНИЮ ЖАСУРБЕК АБДУГАИПОВ АНДИЖАНСКОГО ФИЛИАЛА IT-PARK ВСТРЕТИЛИСЬ С РЕКТОРОМ SHARDA UNIVERSITY САНДЖАЕМ ПАЛОМ.

Стороны обсудили вопросы сотрудничества в сфере образования. Так, участники встречи договорились, что теперь выпускники ИТ-центров Андижанской области могут стать студентами Университета Шарда без экзаменов на основе гранта до 50%.

Будущих студентов, которые смогут получить гранты на обучение в Sharda University, будут выбирать эксперты регионального филиала на основании знаний и успехов учащихся. Программа грантов запускается с сентября текущего года.

В ходе встречи стороны также обсудили возможность увеличения количества грантов и создание инкубационного центра для студентов в здании ВУЗа. Кроме того, участники диалога намерены поддерживать, в том числе и финансово, стартап-проекты, способствующие развитию онлайн-образования молодёжи.



## В APPLE ОТКАЗАЛИСЬ ОТ ПОВЫШЕНИЯ ЦЕН

Топ-менеджмент Apple решил не поднимать цены на свои смартфоны с выходом iPhone 14.

Отмечается, что, несмотря на многочисленные слухи о планах Apple поднять цены на новые iPhone, которые появились ранее, в руководстве компании в конце концов решили отказаться от этой идеи. Таким образом, по данным издания, iPhone 14 на старте продаж будет стоить \$799. Ранее с такого же ценника стартовали базовые модели iPhone 12 и iPhone 13.

Главной причиной, по которой Apple решила отказаться от повышения цены, стала стагнация на рынке смартфонов, вызвавшая спад потребительского спроса. Сохранив прежнюю стоимость, Apple надеется сохранить высокую востребованность своей новинки среди покупателей.

## «PLUG AND PLAY» АНОНСИРОВАЛ ОТКРЫТИЕ ОФИСА В УЗБЕКИСТАНЕ

КОМПАНИЯ «PLUG AND PLAY» В БЛИЖАЙШЕЕ ВРЕМЯ ОТКРОЕТ ПРЕДСТАВИТЕЛЬСТВО В УЗБЕКИСТАНЕ. ОБ ЭТОМ СТАЛО ИЗВЕСТНО ВО ВРЕМЯ ЕЖЕГОДНОЙ КОНФЕРЕНЦИИ «IT-PARK REWIND 2022», ПРОШЕДШЕЙ 24 ИЮЛЯ В ИТ-АКАДЕМИИ ASTRUM.

Офис «Plug and Play» будет открыт в Ташкенте в сотрудничестве с IT-Park и «AloqaVentures» при поддержке Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан. Первоначальный этап сотрудничества в рамках программы включает следующие направления: финансовые технологии, страховые и корпоративные технологии, а также образование.

Сотрудничество с «Plug and Play» поможет стартапам выйти на международный рынок, поскольку они смогут получить доступ к глобальной сети, состоящей из более чем 40 точек по всему миру.

Церемония открытия офиса «Plug and Play» в Узбекистане запланирована на осень текущего года. После запуска будут отобраны наиболее перспективные стартап-проекты, которым будет оказана помощь в их росте за счет участия на акселерационных программах и налаживания нетворкинга с крупными корпорациями.

Напомним что 2 мая 2022 года, директор IT-Park Фарход Ибрагимов посетил один из офисов «Plug and Play» в Штутгарте, Германия, где он встретился с Синой Амиди — соруководителем «Plug and Play EMEA», Сашей Каримпур — управляющим директором «Plug and Play» в Германии и Феликсом Ламмерсом — менеджером по корпоративному партнерству «Plug and Play» в Штутгарте.

## «ВКОНТАКТЕ» ОЖИДАЕТСЯ ОДНО ИЗ САМЫХ МАСШТАБНЫХ ОБНОВЛЕНИЙ ЗА ВСЮ ИСТОРИЮ ПРИЛОЖЕНИЯ

«ВКонтакте» начала тестировать новый дизайн ленты — некоторым он уже доступен, в течение нескольких месяцев его сможет оценить вся аудитория соц-сети. Это первый этап одного из самых масштабных обновлений за всю историю приложения. Изменятся также раздел «Сервисы», профиль пользователя и сообщества.

В основе нового дизайна — максимальная визуальная простота интерфейса, приведение форматов к единообразию и адаптация верстки к экранам разных устройств. Контент удобно будет смотреть на любом гаджете — в ленте предусмотрены три варианта соотношения сторон.

«Медиаконтент будет выглядеть более ярким и вовлекающим, словно с обложки. Особое внимание в ленте уделено эстетической подаче и глубокому вовлечению в контент, прежде всего — публикациям друзей и сообществ, которые наиболее востребованы пользователем», — сообщили разработчики.



## ИТ-ПРАВО. КТО ВОЗМЕСТИТ УБЫТКИ ПОНЕСЕННЫЕ ОПЕРАТОРАМИ И ПРОВАЙДЕРАМ ПРИ ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ ОБСТОЯТЕЛЬСТВАХ?


Вопрос: кто возместит убытки понесенные операторами и провайдерами при чрезвычайных обстоятельствах?

Ответ: ответ на этот вопрос изложен в статье 19 Закона Республики Узбекистан «О телекоммуникациях».

Убытки, понесенные операторами и провайдерами при использовании сетей и средств телекоммуникаций в чрезвычайных обстоятельствах, возмещаются из государственного бюджета.



## SPARK СМАРТФОНЛАРИ СОТУВГА ЧИҚДИ



Россияда янги – Spark 9 Pro смартфон тақдим этилди. У Тесло компаниясининг маҳсулоти саналади.

Смартфон 6,6 дюймли IPS-экран, – 8,42 мм қалинликдаги корпус, Android 12 билан бошқариладиган MediaTek Helio G85 чипига эга. Батарея сизими – 5000 мАс. Хотираси – 4+128 ГБ.

Қурилманинг нархи 15 990 рубл ва бу мамлакатда ҳамёнбоп нарх ҳисобланади.

## TELEGRAM СУДГА ТОРТИЛАДИ



Telegram мессенжери тақиқланган маълумотларни ўчиришдан бош тортганлиги учун 8 миллион рублгача жаримага тортилиши мумкин. Бу ҳақда ТАСС хабар берди.

Хабарга кўра, Россия Федерацияси Маъмурий жа-вобгарлик тўғрисидаги кодексди (экстремистик фаолиятга қақи-риқлар ёки вояга етмаганларнинг порнографик тасвирлари мавжуд бўлган маълумотларни ўчириб ташламаслик) қоидалари бузилгани айтилаётган иш бўйича суд 16 август кунига белгиланган.

## ИЛК SLED-ТЕЛЕВИЗОР ТАҚДИМ ЭТИЛДИ



Realme компанияси ўзининг ақлли телевизорини тақдим этди. Бу SLED технологиясига асосланган дунёдаги илк телевизордир.

Телевизор юқори кенгликдаги ранг гаммаларини таъминлай олади. Ундаги сифатли алгоритм туфайли тасвирлар аниқ ва табиий кўринади. Экранда зарарли ҳисобланмиш мовий нурлар жуда кам.

Realme Smart TV SLED 4Книнг ҳошияси 9,5 мм, экран корпус майдонининг 94,6 фоизини эгаллайди. Уни овозли ёрдамчи орқали бошқариш мумкин.

Харидорларга IVI онлайн кинотеатрига 3 ойлик обуна совға сифатида тақдим этилмоқда.

## 150 ДОЛЛАРДАН АРЗОН СМАРТФОНЛАРНИ СОТИШ ТАҚИҚЛАНДИ



Ҳиндистон Хитойнинг 150 доллардан арзон смартфонларини сотишни тақиқламоқчи.

Маълумотларга кўра, Ҳиндистон ҳукуматининг бу ҳаракатлари Хитой гигантларини бюджет сегментидан сиқиб чиқаришга қаратилган.

Counterpoint тадқиқотлари шуни кўрсатадики, 2022 йил июн ойининг иккинчи чораги ҳолатига кўра, Ҳиндистонда сотилган смартфонларнинг учдан бир қисми 150 доллардан арзон қурилмалардир. Уларнинг 80 фоизи эса хитойлик ишлаб чиқарувчиларга тегишли.

Маълумот учун, бу чора-тадбирлар Apple ёки Samsung қурилмаларига таъсир қилмайди, чунки сотувчилар уларни юқори нархларда сотадилар.

## GOOGLE ИШЛАМАЙ ҚОЛДИ



9 август кунини Google хизматларининг катта қисми ишдан чиқди. Dnwdetector веб-сайти иш жараёнида узилишларга дуч келган фойдаланувчиларнинг бир неча ўн минглаб шикоятларини қайд этди.

Фойдаланувчиларнинг аксарияти Google қидирув тизимидан ва Google хариталардан фойдалана олмаётганликларидан шикоят қилишган.

Бу каби муаммоларнинг кўп қисми АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия ва Японияда қайд этилган.

Аммо Dnwdetector веб-сайтида фойдаланувчилар шикоятлари асосида мавжуд муаммолар юзасидан мақола ёзилаётган вақтда Google хизматларидаги узилишлар тўлиқ бартараф этилган.

## Халқаро хаёт

### ХИТОЙ ТАЙВАНГА БОСТИРИБ КИРМОҚЧИМИ?




Хитой Тайван яқинида “айирмачиларга сабоқ” сифатида ва АҚШни огоҳлантириш мақсадида ҳарбий ўқувлар ўтказяпти. Мамлакат тўлақонли босқин уюштиришга тараддуд кўраётгани ҳақидаги миш-мишларга жавобан ХХР ТИВ вакили брифингда шундай муносабат билдирди.

Пекин расмий вакилининг таъкидлашича, АҚШ Конгресси вакиллар палатасининг спикери Нэнси Пелосининг “қайноқ ташрифидан сўнг Хитой Тайван яқинида ўқувлар ўтказиши мутлақо қонуний ва асослидир.

9 август кунини Пекин Тайван яқинида ХХР халқ-озодлик армиясининг ҳарбий-денгиз кучлари ва ҳарбий-ҳаво кучлари иштирокида янги ҳарбий ўқувларни бошлашини эълон қилганди.

### ПУТИН БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИГА БОРМАЙДИ




Россия президенти Владимир Путин БМТнинг сентябрдаги 77-Бош ассамблеясида қатнашмайди. Бу ҳақда унинг матбуот котиби Дмитрий Песков хабар берди.

Кремл вакилига кўра, Путиннинг ҳатто видеоалоқа шаклидаги қатнашуви ҳам кўзда тутилмаяпти.

Россия делегациясининг БМТ Бош ассамблеясидаги делегациясига ташқи ишлар вазирини Сергей Лавров бошчилик қилади.

### БУЮК БРИТАНИЯ СУВ ИСТЕЪМОЛИНИ КАМАЙТИРМОҚДА



Ҳар бир британиялик сув истеъмолини 25 фоизга қисқартириши шарт. The Sunday Times ёзишича, Буюк Британияда ҳукумат дастури қабул қилинди. Дастурга кўра, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси 2050 йилга бориб кунлик сув истеъмолини 145 литрдан 110 литргача камайтириши керак.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 25 йилдан сўнг Буюк Британияда аҳолини сув билан узлуксиз таъминлаш учун кунига қўшимча 4 млрд. литр сув керак бўлади. Шу боисдан 1992 йилдан бери биринчи марта сувни захиралаш резервуарини қуриш бошланади, у 2029 йилда қуриб битказилади.

Яқинда Англия жанубидаги айрим ҳудудларда аномал иссиқ ва унинг оқибатида сув ҳаддан зиёд кўп ишлатилаётгани боис чекловлар жорий этилганди.

### ДИПЛОМАТ НУТҚ СЎЗЛАЁТГАН ПАЙТИДА ВАФОТ ЭТДИ



Саудия Арабистонининг таниқли дипломати Муҳаммад ал-Қаҳтоний Миср пойтахтида бўлиб ўтган Араб-Африка конференциясида нутқ сўзлаётган пайтида вафот этди. Tahiamasr.com нашри хабар беришича, у кутилмаганда ҳушини йўқотиб, йиқилган.

Порталнинг аниқлик киритишича, шифокорлар унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга уринишган, бироқ дипломатнинг ҳаётини сақлаб қолишнинг имкони бўлмаган. Улим сабаблари ҳозирча маълум эмас.

### УКРАИНА ДОНИ ОРТИЛГАН ИЛК КЕМА МАНЗИЛИГА ЕТИБ БОРДИ

Истанбулда текширувдан ўтган POLARNET кемаси Туркиядаги сўнгги манзилига етиб борди. Бу ҳақда BBC хабар берди.

Украина инфратузилма вазирлиги маълумот беришича, POLARNET билан бир қарвон бўлиб йўлга тушган NAVI STAR ва ROJEN кемалари тахминан бир ҳафтадан сўнг манзилга етиб келади.

22 июл кунини Россия, Украина ва Туркия Украинадан дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳеч қандай тўсиқларсиз ташиб борасида келишиб олганди. Келишув кучга кирганидан буён Украина портларидан макжаҳҳори, кунгабоқар пистаси ва ёғи (жами 300 минг тонна маҳсулот) ортилган 10та кема бошқа мамлакатларга йўл олган.

# IT-АКАДЕМИЯ БИТИРУВЧИЛАРИ УНИВЕРСИТЕТГА ИМТИХОНСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ



ANDIJON DIGITAL CITY ТЕХНОПАРКИНИНГ IT-АКАДЕМИЯСИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТАМОМЛАГАН ЁШЛАР ТАВСИЯНОМА АСОСИДА ЎЗБЕКИСТОН – ШАРДА УНИВЕРСИТЕТИГА ИМТИХОНСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ ВА УЛАРГА УНИВЕРСИТЕТ КОНТРАКТ ТЎЛОВИ СУММАСИНИНГ 50 ФОИЗГАЧА ЧЕГИРМАЛАР БЕРИЛАДИ, ШУНИНГДЕК, DIGITAL CITY ҲАМДА ШАРДА УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ЭНГ ЯХШИ ТАЛАБАЛАРИ ХИНДИСТОННИНГ БАНГАЛОР ШАҲРИДА МАЛАКА ОШИРИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА БЎЛАДИ.

Бу ҳақда Ўзбекистондаги Шарда университетининг ректори Санжай Палнинг Digital City технопаркига ташрифи доирасида Digital City технопарк ҳамда Ўзбекистон – Шарда университети ўртасида имзоланган Келишув меморандумида белгиланди.


Шунингдек, ўзаро мулоқот давомида технопарк ва университет ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, икки томонлама тажриба алмашиш, ахборот технологиялари йўналишида талабалар учун қўшма дастурлар, семинарлар ва лойиҳаларни ташкил этиш, Шарда талабалари учун технопаркда малакавий амалиёт ўташ, талаба ва имкониятлардан келиб чиқиб битирувчи ёшларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Ташриф мобайнида меҳмонлар технопаркда яратилган имкониятлар, шарт-шароитлар ва Рақамли шаҳар иш фаолияти билан яқиндан танишдилар ҳамда технопарк ўқувчилари билан мулоқот қилдилар.

## Ўзкомназорат

# АЛОҚА КАБЕЛЛАРИГА ШИКАСТ ЕТКАЗГАН ШАҲСГА МАЪМУРИЙ ЖАЗО КЎРИЛДИ

ЖОРИЙ йилнинг 17 июл куни СОАТ 20:00да ТОШКЕНТ ШАҲАР, ОЛМАЗОР ТУМАНИ, УСТА ШИРИН КЎЧАСИДАГИ 125-УЙ ОЛДИДА ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРУВЧИ ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТ ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН ТЕГИШЛИ РУХСАТНОМАСИЗ, КЕЛИШИЛМАГАН ҲОЛДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЕР ҚАЗИШ ИШЛАРИ ДАВОМИДА “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК “ТШТТ” ФИЛИАЛИГА ТЕГИШЛИ БЎЛГАН ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ҚУДУҚЛАРИ (КАНАЛАР) ОРҚАЛИ ЎТГАН АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИГА ЗАРАР ЕТКАЗИЛГАНЛИГИ АНИҚЛАНГАН.



Натижада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 210-сонли қарори билан тасдиқланган “Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш” қоидалари 12-бандининг “а” ва “д” кичик бандлари ва 20, 29, 31, 35-бандлари талаблари бузилган. Бу, ўз навбатида, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 154-моддаси 1-қисмига асосан чора кўрилишига сабаб бўлган. Яъни, “Ўзкомназорат” давлат инспекциясининг Тошкент шаҳар ҳудудий инспекцияси томонидан шикастланиш содир этган хўжалик юритувчи субъект мансабдор шахсига нисбатан 154-модданинг 1-қисмига (“Алоқа йўллари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш”) асосан маъмурий жазо чораси қўллаш тўғрисида ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Шу ўринда фуқаролардан, шунингдек, корхона ва ташкилотлардан телекоммуникация линия ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларига қатъий амал қилишларини сўраб, қоида бузилиши маъмурий жавобгарликка олиб келиши мумкинлигини билдириб ўтамыз.

Жаҳонгир ТУРСУНОВ,  
“Ўзкомназорат” давлат инспекциясининг  
Тошкент шаҳар ҳудудий инспекцияси етакчи инспектори

## UzPost

### ПОЧТАЧИЛАР АБДУЛЛА ҚАҲҲОР МАҲАЛЛАСИДА

2022 йилнинг 5 АВГУСТИДА “ЎЗБЕКТИСТОН ПОЧТАСИ” АЖ ТАШАББУСИ БИЛАН ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЯККАСАРОЙ ТУМАНИДАГИ АБДУЛЛА ҚАҲҲОР МАҲАЛЛАСИДА “ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР КУЧИ” НОМЛИ ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ.

Аҳолига байрамона кайфият улашиш ва уларни бирдамликка чорлаш мақсадида ўтказилган тадбирда маҳалла аҳли иштирокида ажойиб интерактив ўйинлар, викториналар ва танловлар уюштирилди. Мусобақаларнинг энг фаол ва зукко иштирокчилари UzPost компанияси мутасаддилари томонидан совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, шу куни ўз таваллуд айёмини нишонлаётган Мубинага ҳам компания ҳақиса тақдим этилди. Тадбирга ташриф буюрган хонандалар куй-қўшиқлари аҳолига кўтаринки кайфият улашди.

Ўз мухбиримиз

## Танлов



### АНТИНАСК ЧАЛЕНДЖ ТУРНИРИ ЎТКАЗИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН 11 АВГУСТ КУНИ КИБЕР-ХАВФСИЗЛИК БЎЙИЧА АНТИНАСК ЧАЛЕНДЖ ТУРНИРИГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛДИ.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Central Asia Distribution кўмагида IT-Парк, Cisco ва Digital operator Beeline Uzbekistan томонидан ташкил этиладиган ушбу тадбир мамлакатимиз ёшларининг ахборот хавфсизлигига қизиқишини ошириш, шунингдек, ушбу йўналиш бўйича қўниқма ва салоҳиятнинг шакллантиришга қаратилган.

Мусобақа якунида иштирокчилар қимматбаҳо совғалар (техника) билан тақдирландилар.

## Эълон

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 10 декабрдаги 188-ф-сонли фармойишига асосан “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳисоб рақамига 2022 йил 4 августда “ALSKOM” АЖ суғурта компанияси томонидан 5 000,0 минг сўм ҳомийлик пули келиб тушди. Мазкур маблағ “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2022 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.

# ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЙИГИТ

## “GOOGLE”НИ ҚАНДАЙ ЗАБТ ЭТДИ?

### 1 Чет элдаги фаолият қандай бошланган?

Кўп сонли таклифлар орасидан Фаррух Сан-Франсискодаги тиббиёт соҳасидаги биомухандислик тадқиқотларига ихтисослашган Neopeutics, Inc. компаниясини танлади. “Менга олимлар, биомухандислар билан ишлаш ва ажойиб тадқиқотлар олиб бориш учун шундай қизиқарли лавозим таклиф қилинди. Бу ҳақиқатда ҳаётимдаги энг ажойиб тажриба бўлди”, дейди у.

Neopeutics, Inc. турли касалликларга даво излайди. Компаниянинг олимлари ва тадқиқотчилари жуда катта миқёсда, петабайт кўламида алгоритмлар ва маълумотлар билан ишлайди.

Қахрамонимиз компанияда таъминот муҳандиси сифатида йирик маълумотлар тўпламини сақлайдиган ва қайта ишлайдиган тахлилий ва интеллектуал дастурий таъминотни ишлаб чиқди. Фаррух ва унинг ҳамкасблари томонидан яратилган бу дастурий таъминот олимлар ва тадқиқотчиларга тадқиқотни осон, тез ва аниқроқ амалга оширишда ёрдам берди.

### Нима учун айнан АҚШ?

Хикоямиз қахрамони эътироф этганидек, унда ҳужжатларни расмийлаштириш ва кўчиш билан ҳеч қандай муаммо бўлмади, ҳамма нарса осон ва тез кечди. “Виза билан муаммо бўлмади, – дейди у. – Аммо Ўзбекистондан АҚШда дастурий таъминот ишлаб чиқиш бўйича ишга жойлашиш осон кечмади. Сухбат жараёни жуда қийин ва узоқ давом этди, негаки талабдорлар кўп эди, АҚШдаги бошқа номзодлар билан рақобатлашишга мажбур бўлдим”.

Харажатлар билан боғлиқ масалаларни компания ўз зиммасига олди. Neopeutics, Inc. дан иш таклифини қабул қилганида, улар Фаррухнинг барча ҳужжатларини тайёрлаб беришди. Бундан ташқари, компания биринчи марта парвоз ва тураржой харажатларини ўз зиммасига олди. Компания унинг АҚШга келиши учун ҳамма нарсани қилди. “Мен фақат чамадонларимни йиғиб, бери-омам билан хайрлашдим, холос, – дейди у.

### Қийин бўлган ягона жиҳат – юрт соғинчи

– Бошида қийин бўлган. Ватанни тарк этдим, қариндош-уруғлардан, дўстлардан узоқларга кетдим. Чет элда мен доим қариндошларимни, қишлоқни, мазаги ўзбек таомларини ва яна кўп нарсаларни соғинаман. Аммо бошқа томондан, бошқа дунёга шўнғиш ва ўзингдан фарқли маданият билан танишиш қизиқ эди, – хотирлайди Фаррух.

Нима учун АҚШни танлаганимиз, деган саволга, у энг аввало имкониятлар ҳақида ўйладим, деб жавоб берди: “Менимча, Қўшма Штатлар узоқ вақтдан бери “имконият” сўзининг синонимига айланган, айниқса, мартаба ҳақида гап кетганда. Ҳақиқатан ҳам профессионал ўқиш учун барча шароитлар мавжуд. Яна бир катта афзаллик шундаки, сиз турли мамлакатлардан келган мутахассислар билан ишлашингиз мумкин”.

Шунингдек, у АҚШда ма-лакали IT-мутахассислар учун миллионлаб иш ўринлари мавжудлигини ва энг муҳими, АҚШда дастурий таъминот муҳандисларининг маоши энг юқори эканлигини таъкидлайди: “Масалан, Нью-Йоркда беш йиллик тажрибага эга бўлган дастурий таъминот муҳандисларига йилга миллион доллардан ортиқ пул тўлайдиган компаниялар бор. Бундан ташқари, иш муҳити жуда қулай ва жадвал мослашувчан. Компаниялар соғлиқ суғуртаси, куннинг исталган вақтида бепул овқатланиш, АҚШнинг исталган жойидан ишлаш имконияти ва бошқалар каби кўплаб имтиёزلарни тақдим этади”.

Фаррухнинг сўзларига кўра, Сан-Франсиско, Калифорния энг зўр танлов эди, чунки IT муҳити ва маданияти бошқа шаҳарларга қараганда яхшироқ. Аммо яна бир факт шаҳарни танлашга таъсир қилди: у Сан-Франсисконинг иқлимини жуда яхши кўради, чунки у ер иссиқ ва бу, ўз навбатида, Фаррухга унинг қуёшли юртини эслатади.

### Муваффақият сари йўл...

Neopeutics, Inc. компаниясида бир йилдан ортиқ дастурий таъминот муҳандиси сифатида ишлаган Фаррух Zume, Inc стартапига ўтиб кетди ва у ерда роботлар ва роботлар учун дастурий таъминот яратди.

Шундан сўнг у бир муддат Амазонда ишлади. “Амазонда мен Prime Video жамоасида юздан ортиқ муҳандис ва менежерлар билан ишладим. Юз миллионлаб Амазон Prime Video обуначилари ва миқозларини қўллаб-қувватлаш учун кенгайтириладиган ва ишончли веб-стриминг хизматларини ишлаб чиқдим. Бундан ташқари, Fire OS ва Fire TV қурилмаларидаги иловаларни ишлаб чиқишда иштирок этдим”, дейди у.

Ҳозир Фаррух “Google” компаниясида муваффақиятли ишлаб келмоқда. “Бу ерда мен 200га яқин муҳандислар билан ишлайман. Ўз Android Automotive OS жамоамда 20 нафар муҳандис фаолият олиб боради. Мен 500дан ортиқ автомобил турлари, жумладан, BMW, Ford, Chrysler ва бошқалар учун ақли дастурий таъминот ва Андроид амалий тизимини ишлаб чиқаюман. Жамоам билан биргаликда Андроид амалий тизимининг автомобил учун версияси устида ишлаймиз. Масалан, сизда автомобил ишлаб чиқарувчи компания бор. Агар машиналарингизни ақилроқ қилишни истасангиз, Google ва менинг жамоам томонидан ишлаб чиқилган Андроид версиясидан фойдаланишингиз мумкин”, тушунтиради у.

Бундан ташқари, бизнинг қахрамонимиз қисман автоном автомобиллар учун дастурий таъминотни ишлаб чиқадиган жамоа билан ишлайди.

Фаррухнинг хотирлашича, ушбу компанияларга ишга кириш учун у бутун бўш вақтини ўқишга бағишлаган, университетда ва мустақил равишда математика ва информатика фанларини ўқиб-ўрганган. У барчасига фақат билим ва ўз устидаги меҳнат эвазига эришганини таъкидлайди.

### Ўзбекистоннинг IT-соҳасига баҳо

Фаррухнинг сўзларига кўра, ҳозир Ўзбекистонда IT соҳаси жуда жадал ривожланмоқда ва бу йўналишда карера қуришга қизиқайтган ёшлар сони ортиб борапти: “Давлат талабалар, IT мутахассислари ва бизнес учун чексиз имкониятларни тақдим этади. Ҳар йили янги IT университетлари ва bootcampлар очилади ва IT-бизнес айрим солиқлардан озод қилинган. Менимча, бунга бошқа ҳеч бир давлатда топиш мумкин эмас. Агар шундай давом этса, бир неча йилдан сўнг Ўзбекистон Марказий Осиёдаги технологик марказга айланади”.

Мутахассис таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг IT соҳаси Американикидан бироз фарқ қилади. Унинг фикрича, Марказий Осиёнинг кўпгина мамлакатларида ахборот технологиялари асосан тижорат мақсадларида (масалан, маҳсулотларни сотиш платформаси, тўлов тизимлари ва бошқалар) ёки жараёнларни автоматлаштириш мақсадида қўлланилади. АҚШда технология нафақат бизнес ва ҳукуматга, балки илм-фаннинг кўплаб соҳаларига ҳам мустақам равишда интеграциялашган. “Масалан, астрофизикада улар стероидларни аниқлаш ва коинотни, молекуляр биологияда ҳужайраларни кузатиш учун ишлатилади. Мен ишни осон ва самаралироқ қилиш учун ахборот технологиялари имкониятларини иложи борича илмий соҳаларда қўллашни жуда истайман”, дейди у.

Ўзбекистонга қайтишни хоҳлайсизми, деган саволга Фаррух бундай имкониятни истисно қилмаслигини айтди: “Эндиликда ҳисоблаш биологияси/амалий математика бўйича доктор даражасига эга бўлиш режа бор. Шундан сўнг Ўзбекистонга доимий яшаш учун қайтишни мумкин”.

### Ёш IT-мутахассисларга маслаҳат

Фаррухнинг таъкидлашича, бу ҳаётда энг муҳими ўзингни ва ҳаётдаги мақсадингни топишдир. “Мен инсон ўз қалбига қулоқ тўтиши кераклигига ишонаман. “Google”га қўшилишдан олдин мени “Инстаграм” жамоасида ишлаш учун “Facebook” компаниясига таклиф қилишди, лекин мен рад этдим, чунки менинг қизиқишларим бошқа. Ушбу ижтимоий тармоққа қизиқмайди деган авлодданман деб ўйлайман. Мен қалбимга қулоқ солганимдан ва кўнглим бўлган ишни топа олганимдан хурсандман”.

Шунингдек, қахрамонимиз ёшларга информатикадан ташқари математика, физика, кимё, биология ёки уллардан бирини яхши ўрганишни тавсия қилади: “Сунъий интеллект асрида яхши дастурий таъминот муҳандиси бўлиш учун компютер фанидан ташқари ҳеч бўлмаганда математика ва физикани билишингиз керак”.

<h1>Xabar</h1> <p>MUASSIS:</p> <p>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI</p> <p><b>Bosh muharrir:</b> Abdug'ani ABDURAHMONOV</p>		<p>Tahrir Hay'ati: Sherzod SHERMATOV (Hay'at raisi), Nazirjon HASANOV, Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV, Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Usmonjon YO'LDOSHEV (Mas'ul kotib).</p> <p>Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda "Xabar" dan olinganligi ko'rsatilishi shart</p> <p>Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalanildi. Bahosi kelishilgan narxda.</p>		<p><b>MANZILIMIZ:</b></p> <p>100000 Toshkent shahri, Amir Temur 1-tor ko'chasi, 2-uy (Mo'ljal Oloy bozori).</p> <p>Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31. Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Obuna indeksi — 228.</p> <p>Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. Dizayner: Asliddin BO'RİYEV. Navbatchi: Asliddin BO'RİYEV.</p>																					
<p>Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 0016 raqami bilan 2013-yil 23-iyulda ro'yxatga olingan.</p>		<p>Gazeta haftaning juma kuni chiqadi</p>		<p>Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Manzil: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.</p>		<p>Г-859 sonli buyurtma. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-3, hajmi 2 bosma taboq. Adadi: 2990</p>		<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Bosishga topshirildi — 17 °° Bosishga topshirish vaqti — 24 °°</p>																	
<p>Viloyat muxbirlari:</p>		<p>Andijonda (74) 226-47-80</p>		<p>Buxoroda (99)854-7305</p>		<p>Jizzaxda (94) 199-95-64</p>		<p>Namanganda (91) 353-71-25</p>		<p>Navoiyda (79) 225-91-10</p>		<p>Nusukda 554-35-45</p>		<p>Samarqandda (91)557-84-44</p>		<p>Termizda (99)508-30-52</p>		<p>Toshkentda 234-18-59</p>		<p>Urganchda (97) 211-65-05</p>		<p>Farg'onada (73) 244-18-05</p>		<p>Qarshida (93)931-08-99</p>	